**Ўзбекистон Республикаси номидан**
**Ҳ У К М**

2022 йил сентябрь ойининг 23-куни жиноят ишлари бўйича Ангор туман судининг ўз биносида очиқ суд мажлиси бўлиб,

Раислик қилувчи С.Б.Бўтаев,

Судья ёрдамчиси Б.Валиевнинг котиблигида, томонлардан давлат айбловчиси Ангор туман прокурори ёрдамчиси Д.Ибрагимов, ҳимоячи адвокатлар Б.Халимқулов, Д.Юсупов, жабрланувчилар [redacted] оид 1-2110-2101/92-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[redacted] туғилган, маьлумоти ўрта-махсус, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бўйдоқ, ишламайди, муқаддам судланмаган, [redacted] эҳтиёт чораси сифатида [redacted] кунидан «қамоққа олиш» эҳтиёт чораси қўлланган, айлов хулосаси нусхасини қонуний муддатда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди ва 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан айбланган.

[redacted] куни [redacted] туманида туғилган, маьлумоти ўрта-махсус, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, ишламайди, муқаддам судланмаган, [redacted] кунидан «қамоққа олиш» эҳтиёт чораси қўлланган, айлов хулосаси нусхасини қонуний муддатда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди ва 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан айбланган.

[redacted] куни Ангор туманида туғилган, маьлумоти ўрта-махсус, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бўйдоқ, ишламайди, муқаддам судланмаган, [redacted]”

маҳалласида яшайди, эҳтиёт [redacted]н «қамоққа олиш» эҳтиёт чораси қўлланган, айлов хулосаси нусхасини қонуний муддатда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг "б" банди ва 277-моддаси 3-қисмининг "г" банди билан айбланган.

Суд, судланувчилар, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши материалларини таҳлил қилиб, тарафларнинг музокара ва судланувчининг охирги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

**А н и қ л а д и:**

Судланувчи [redacted] кунига ўтар кечаси [redacted]да жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, шериклари [redacted] бошқарувидаги "[redacted]" русумли автомашинасида [redacted] йўлининг [redacted] гиламбоб» маҳалласи ҳудудидан ўтган [redacted]ида, "[redacted]-[redacted] ўзлари билан бир йўналишда ҳаракатланиб [redacted] тумани [redacted] яшовчи [redacted]в [redacted] ўғлининг бошқарувидаги [redacted]" русумли автомашинани тўхтатиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, ҳеч бир сабабсиз равишда [redacted] қасддан уриб, унга тан жарохат етказаётган вақтда кўз ўнгида [redacted] мақсадида уларни ажратмоқчи [redacted] ўртоқлари [redacted] танасини дуч келган жойларига ҳам қўллари билан уриб-дўппослаб, [redacted] қасддан тан жароҳати етказиб, қасддан безорилик жиноятини содир қилган.

Натижада Сурхонадарё вилоят Суд тиббий экспертизасининг [redacted] ўнг тирсак бўғими орқа юзаси, ўнг елка юқори учлиги, чап тизза бўғими олд юзаси, ўнг тизза бўғими ташқи юзаси, ўнг тизза бўғими олд юзаси юзаки шилинмалари, кукрак қафаси орқа юзаси қонталашлари каби тан [redacted], тез утиб кетувчи [redacted] жарохати;

Сурхонадарё вилоят Суд тиббий экспертизасининг [redacted] йилдаги 324-сонли экспертизаси хулосасига [redacted] пешона ўнг томони, ўнг кўз пастки қовоғи, ўнг елка устки қисми, бўйин ўнг

томони пастки учлиги қонталашлар каби тан [redacted] ошмайдиган, тез утиб кетувчи оқибатли [redacted] йилдаги 326-сонли экспертизаси хулосасига кўра [redacted] пешона чап томони сочсиз қисми, чап кўз пастки қовоғи, чап билак юқори учлиги орқа юзаси қонталашлари, ўнг қўлоқ супраси олд ички юзаси эзилиб йиртилган яраси каби тан жарохатлари [redacted] ошмайдиган, тез утиб кетувчи [redacted]" тан жарохати;

Сурхонадарё вилоят Суд тиббий экспертизасининг [redacted] йилдаги 330-сонли экспертизаси хулосасига [redacted] ўнг юз соҳаси шиш, юқори лаб ўнг томони, чап курак юқориги учлиги, ўнг курак пастки учлиги қонталашлари, ўнг тирсак бўғими юмшоқ тўқималар лат ейиши каби тан [redacted] ошмайдиган, тез ўтиб кетувчи оқибатли [redacted] тан жарохати олишига сабабчи бўлган.

Судда [redacted] айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, "[redacted] йўналишида ўзига тегишли бўлган оқ рангли давлат [redacted] [redacted] русумли автомашинасида киракашлик билан шуғулланиб келишини, [redacted] йил [redacted] куни соат тахминан [redacted] [redacted] билан [redacted]" маҳалласида жойлашган дўконга бориб музқаймоқ еганини, у ерда [redacted] учратиб қолганини, таниши [redacted] телефон [redacted] борганини, у ерда [redacted] таниши [redacted] иккаласини учратиб қолганини, у ва Завқиддин [redacted]" автомашинасига минганини, [redacted] "[redacted] [redacted] иккаласи ҳаракатлана бошлаганини, [redacted] ҳаракатланиб келаётганида [redacted]" маҳалласи худудига келган вақтида олдинда ҳаракатланиб кетаётган оқ рангли "[redacted] русумли машинаси олдини қисиб юборганини, шундан сўнг "[redacted] автомашинаси олдинги ўриндиғида ўтирганини, шунда [redacted] ҳам автомашинасини тезлигини [redacted] машинасининг олдини қисиб юборганини, бироз юрганидан сўнг [redacted] йўлни чеккасига ўтиб тўхтаганини, [redacted] автомашинасининг хайдовчиси машинадан тушмаганини, Қахрамон [redacted] [redacted] русумли автомашинасининг ҳайдовчисини бир шапалоқ урганини, шундан кейин "Нексия-2" [redacted] жойига қўли билан муштлаб урганини, автомашинада [redacted] шериклари қочиб кетганини, уларнинг орқасидан қувлаб етиб олиб қулранг футболка [redacted] [redacted]г дуч келган жойига қўли билан муштлаб урганини, шу

[redacted] етиб келишганини, лекин [redacted]а [redacted] йўлининг устида жанжаллашаётган вақтида ўша жойга [redacted] ходимлари келиб ажратмоқчи бўлганини, яна бир [redacted] ходими ўзига тегишли бўлган телефон аппарати билан видео тасвирга олаётган вақтида [redacted] ҳодимининг телефонини эхтиётсизлик оқибатида тушириб юборганини, шундан сўнг [redacted] тегишли бўлган [redacted] машинасининг давлат рақамини тортиб юлиб олиб ташлаб хайдаб қочиб кетиб, катта йўлнинг қарама қарши томонига келиб тўхтаганида бир [redacted] келиб уни чақиришганида [redacted] "[redacted] машинасини хайдаб қочаётган вақтида ИИБ ходими унга тўхта деб изидан югуриб келаётган бўлса-да машинани бошқаришда давом этганини, [redacted] югуриб машинанинг олди ўриндиғига ўтириб олганини, шундан сўнг бир неча бор тўхта дейишига қарамасдан у машинани тўхтатмасдан хайдаб, Жарқўрғон чоррахасига бориб, ўнг томонга қайрилиб [redacted] масофа юрганидан сўнг [redacted] ходими машинани тўхтатиш ҳақидаги қонуний талабига бўйсинмасдан машинадан [redacted] қонуний талабига бўйсунмасдан қочиб кетганини, [redacted] уйига борганини, бироз вақт [redacted] ҳам келганини, [redacted] уйида тунаганини, Дамас [redacted] автомобиль йўлидан ҳаракатланиб кетаётган вақтида "[redacted] автомашинаси йўлини қисгани боис уларни тўхтатиш мақсадида автомашинасини қисиб тўхтатганини, биринчи [redacted] автомашинасининг бошқарувида бўлган, [redacted] урганини, сўнг [redacted] машинадан тушиб келганини, [redacted] ёпишиб четга тортиб ажратмоқчи бўлганини, сўнг уни ҳам урганини [redacted] қучоқлаб олганидан сўнг, уни ҳам юз қисмига бир икки маротаба урганини [redacted] бош қисмига икки маротаба муштлаб урганини, бошини ушлаб ўтириб қолганини, тортишув жараёнида ҳеч кимни телефон аппаратини ва бошқа қимматли бойликларини тортиб олмаганини, ўзи ва [redacted] ҳеч кимнинг чўнтагидан пул олмаганини, у ёки шериклари [redacted] куни соат [redacted] содир бўлган жанжал давомида ёки жанжалдан олдин [redacted] чўнтагидан [redacted] доллари ва [redacted] пулларини [redacted] маркали телефон аппаратини тортиб олиб қўйиш ҳолати бўлмаганини, содир қилган ҳаракатига иқрор ва пушаймонлигини, жабрланувчилардан кечирим сураб, етказилган зарарни қоплаганлигини, бу ҳолатни бошқа такрорламаслигини билдириб қонуний енгиллик беришни сўради.

Судда [redacted] кўрсатувида айбига иқрорлик билдириб, [redacted] куни [redacted]" маҳалласида [redacted] учаласи учрашиб, унинг автомашинасида туман

[redacted]” ресторанига келганини, [redacted] рақамли [redacted]” русумли автомашинаси турганлигини кўриб, ушбу автомашина [redacted] тегишли эканлиги сабабли автомашинани йўлнинг чекка қисмига тўхтатганини [redacted] борлигини кўрганини, улар билан бироз ўзаро суҳбатлашиб, у ердан машинани бошқариб, [redacted]уманида жойлашган чорраҳа номли жойга келганини, шу орада машинани яшаш уйига кетиш [redacted] туман маркази томонга қайириб олганини, ўзига тегишли [redacted] қайрилиб олиш учун мўлжалланган жойдан машинани қайириб олмасдан бетон тўсиқ томондаги йўлакдан ҳаракатланиб кетаётган вақтида шу орада орқасидан ҳаракатланиб келаётган машина сигнал босиб, йўл бериш учун ишора чироғини ёққанини, шу орада машинани ўнг томон йўлакка олмоқчи бўлганида сигнал босган машина бошқарувчиси уни қувиб ўтмоқчи бўлиб, бошқарувидаги машина билан етиб олиб, бошқарувидаги машинани йўлнинг ўнг томон бетон тўсиқ томонга қисиб юборганини,шу сабабли машинани бошқариб, нима учун унинг машинани қисганлигини билмоқчи бўлиб, [redacted] бошқарувчисига тезликни секинлатишига ишора қилганини [redacted] машинасини етиб олиб [redacted]” машинаси билан бир тезликда ҳаркатланиб кетаётган [redacted] бошқарувчисига [redacted], нимага қисябсан тинчликма” деб гапирганида [redacted] автомашина бошқарувчисими кимдир [redacted]”деб автомашинасини тўхташ ишорасини қилганини, шу сабабли иккита машина ҳам йўлнинг чекка қисмига тўхтаганини [redacted] машинадан тушган вақтида у автомашинани йўлнинг чеккароқ қисмига олиб қўятган вақти Р.Холбўтаев автомашинадан биринчи бўлиб тушганини, [redacted] белидан қучоқлаб турганини [redacted] ерга ўтириб қолганини, сўнг [redacted] [redacted] келиб, белидан қисиб ушлаб олганини, [redacted] уни ҳам урганини, шундан сўнг [redacted] уларнинг орқасидан тақиб қилиб қувлаганини, [redacted] ундан қочиб, ерга йиқилганини, унга етиб олиб унинг юз қисмига қўли билан бир икки шапалоқ урганини, шу вақтда [redacted] ходимлари келиб қолганини, ўша вақти йўлнинг нарги томонига утиб, йўловчи машинага утириб воқеа жойидан қочиб кетганини, [redacted] айнан ким қаерига урганлигини кўрмаганини, [redacted] июнь [redacted] июнь куни утар кечаси содир бўлган жанжалда ҳеч кимни телефон аппаратини ва бошқа қимматли бойликларини тортиб

олмаганини, спиртли ичимлик истемол қилмаганини, [redacted] ва [redacted] ҳам спиртли ичимлик истемол қилганлигини кўрмаганини, [redacted] изидан таъқиб қилганида йиқилиб тушганини, шунда унинг юзига шапатлаб урганини, автомашинада ёнма-ён кетаётган вақтида уларга қарата сигарет қолдиғини отганини, содир қилган ҳаракатига иқрор ва пушаймонлигини, бу ҳолатни бошқа такрорламаслигини билдириб қонуний енгиллик беришни сўради.

Судда судланувчи [redacted] кўрсатувида айбига қисман иқрорлик билдириб, [redacted] июнь [redacted]" маҳалламиздаги ариқ бўйида таништшлар [redacted] ва [redacted] соат тахминан [redacted] тегишли бўлган [redacted] русумли машинада [redacted] борганини, у ерда таниши [redacted] учратганини, улар билан озроқ гаплашиб, сўнг қайтганини, [redacted] тегишли бўлган [redacted] автомобиль йўлига бошқариб чиққанини, ўша вақти [redacted]" машинасининг ўрта ўриндиғида ётиб кетаётгани [redacted] машинани йўлнинг чекка қисмига тўхтатганини, Дамас русумли машинадан [redacted] тушганини, [redacted] русумли машина ичидан бирин кетин болалар тушиб кела бошлаганини, [redacted] бир йигитни қўли билан бир шапалоқ урганида, ерга йиқилиб тушганини, "[redacted]" машинасидан тушиб келган бошқа йигитлар қоча бошлаганини, [redacted] [redacted] уларнинг изидан қувлаб кетишганини, шу орада ерга йиқилиб ётган хушсиз ҳолатдаги [redacted] машинасига ёрдамлашганини, шу орада [redacted] ўзига тегишли бўлган "[redacted] машинаси билан келиб қолганини [redacted] машинадан тушиб келиб, нима бўлганлигини сўраганини, ўша вақти [redacted] уриб тан жарохат етказмамаганини, шу вақтда [redacted] "[redacted]" машинасига миниб м39 автомобиль йўлининг ўнг тарафида жойлашган метан запровкадаги жойдаги бетонканинг очиқ жойидан машинасини қайириб олганини, [redacted] бошқариб [redacted] тегишли бўлган [redacted] машинанинг ёнигача бошқариб келганини, у [redacted] олиб келишини илтимос қилганини, [redacted] автомашинасини олдига борганида уни [redacted] ушлаб олганини, шу вақт [redacted] тегишли бўлган автомашинани олд йўловчи эшигини очиб, уларга автомашинадан тушишини [redacted] автомашинани бошқариб кетганини, [redacted] автомашина ҳаракатланаётган вақт автошанинанинг олд ўриндиғига ўтирганини, [redacted] автомашинани тўхтатишини айтганини, [redacted] автомашинани

тўхтатмагандан [redacted] автомашинанинг қўл тормозини тортиб автомашинани тўхтатганини, сўнг [redacted] билан у автомашинадан тушиб қочиб кетганини, [redacted] хушидан кетиб қолганини, шу орада у [redacted] миндиришга ёрдамлашганини, жанжал вақтида ким-кимни урганлигини билмаслигини, у ҳеч кимни урмаганини, [redacted] кимни урганлигини, ёки уни бирон киши урганлигини кўрмаганини, бир бутилка пиво истеъмол қилганини [redacted] сўм пулларини, [redacted]” маркали телефон аппаратини тортиб олиб қўйиш холати бўлмаганини, содир қилган ҳаракатига иқрор ва пушаймонлигини, бу ҳолатни бошқа такрорламаслигини билдириб қонуний енгиллик беришни сўради.

Гарчи, судда судланувчи [redacted] ва З.Шерназаровларнинг айбига иқрорлик билдирган бўлса-да, уларнинг айби судда муҳокама қилинган ва ҳуқуқий баҳо берилган қўйидаги объектив далиллар билан тўлиқ тасдиқланади:

[redacted] судда судланувчиларни воқеа бўйича танишлигини, уларга адовати йуқлигини, [redacted] шаҳрига [redacted] билан унга [redacted] автомашина билан борганини, [redacted] ил [redacted] ўзига тегишли бўлган оқ рангли, давлат рақами [redacted] машинада йўлга чиққанини, термиз [redacted] бир бутилка пиво истеъмол қилгани сабабли автомашинани ўртоғи [redacted] бошқариш учун топширганини, ўзи эса машинанинг олд ўриндиғида утирганини, яна [redacted] автомобиль йўлидан келаётганида [redacted] тумани [redacted]” маҳалласи ҳудудидага келган вақтида [redacted] машинани қувиб ўтиб, ўзининг йўлида қоидани бузмасдан ҳаракатланиб келаётган вақтида орада [redacted] русумли машина бошқарувчиси машина салонида бўлганлар, сигарета чекиб келишаётганлигини кўрганини, [redacted] машинасининг кучли ёритувчи чироқларини ёқиб ўчириб, тўхташига ишора қилиб, етиб келиб, машинасини секин ҳаракатлантириб, [redacted] олдида утирган йигит Холбўтаев [redacted] машинадан тўшмасидан олдин [redacted] қараб, “йўлингни топаолмай қолдингми” деб айтганини, шу [redacted] “ака нима бўлябди, нима қилдик тўғри ҳайдаб келаябмизку” деб айтганини, шунда судланувчи [redacted] қўлидаги чекилмай қолган сигаретани [redacted] томонга автомашина салони ичига отиб юборганини, [redacted] “ака тушунмадим нимага отдингиз” деб эътироз билдирганида [redacted] машинани тўхтат [redacted] машинаси утирган машинанинг олдини қисиб тўхтатганини [redacted]

машинадан тушиб келиб, [redacted] ҳақорат қилиб, юзига бир шапалоқ урганини, шунда [redacted] автомашинадан тушиб [redacted] бориб белидан қучоқлаб олганини, [redacted] бош қисмига бир икки маротаба урганини [redacted] зарбнинг кучидан ерга ўтириб қолганини, уларни ажратмоқчи бўлиб, [redacted] танасининг дуч келган жойига бир неча маротаба урганини [redacted] ва [redacted] қочиб кетганини [redacted] уларни таъқиб қилиб қувлаб келганини, қочаётиб ерга йиқилиб тушганини, шунда [redacted] қўли билан орқасига уриб, чап орқа томонига бир неча маротаба тартибсиз равишда оёғи билан тепиб ташлаганини, шу вақтда [redacted] ходимлари келиб қолишганини, [redacted] йўлнинг нариги томонида тўхтаб [redacted] машинасига утириб олиб, қаергадир кетиб қолганини, [redacted]” машинаси ҳодиса жойида қолиб кетганлиги сабабли [redacted]” машинада яна қайтиб келганини, Кобальт машинадан бир йигит тушиб келиб, [redacted] ниманидир олиб, [redacted] машинага утириб қаергадир кетиб қолганини, шундан сўнг Ангор туман марказий шифохонасига келганини, уриб тан жарохат етказганларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб [redacted] ариза билан мурожаат қилганини, жанжал [redacted] таг қисмида ўзига тегишли [redacted] топиб олганини, унга етказилган моддий ва маънавий зарарлар тулиқ қопланганини, судланувчи [redacted], [redacted] нисбатан ҳеч қандай даъвоси йуқлигини билдириб қонуний енгиллик бериш ҳақида берган кўрсатуви;

[redacted] судда судланувчи [redacted] воқеа бўйича танишлигини, уларга нисбатан адовати йўқлигини, [redacted] шаҳрига танишлари билан борганлигини, [redacted] куни соат тахминан [redacted] шаҳридан яшаш уйларига [redacted], автомашинани [redacted] бошқарганлигини, машина салонида у, [redacted] [redacted] бўлганлигини, [redacted] ил [redacted] куни соат [redacted] тумани ҳудудидан ўтган [redacted] автомобиль йўлидан “[redacted] маҳалласи ҳудудидага келган вақтида [redacted] русумли машинани қувиб ўтиб, ўзининг йўлида қоидани бузмасдан ҳаракатланиб кетаётганида шу орада [redacted] усумли машина бошқарувчиси машина салонида бўлганлар, сигарета чекиб келишаётганлигини кўрганлигини, уларнинг [redacted] машинасининг кучли ёртиувчи чироқларини ёқиб ўчириб, уларга тўхташи ҳақида ишора қилганлигини, [redacted] машинасини йўлнинг чекка қисмига тўхтатганида, “[redacted]” русумли машина олд ўриндиғида ўтирган

ўзига олдиндан таниш бўлмаган, [redacted] машинадан тўшмасидан олдин, қўлидаги чекилмай қолган сигаретани улар утирган машина салони ичига отиб юборганлигини, шундан [redacted] гапирганлигини музика бўлганлиги сабабли аниқ эшитмаганлигини, [redacted] машинасидан [redacted] тарсаки урганлигини, шундан кейин у ва машина салонида бўлган танишлари ҳам машинадан тушиб, Фаррухни урган [redacted] олдига боришганлигини, биринчи бўлиб [redacted] ажратмоқчи бўлиб, унинг белидан маҳкам қисиб олганлигини [redacted] бош қисмига бир икки маротаба уриб уни ерга йиқитганлигини, уларни ажратиш мақсадида [redacted] олдига югуриб [redacted] қучоқлаб олганлигини, тортишув вақтида кимдир унинг орқа томонидан келиб чап қулоқ [redacted] урганлигини, пайтдан фойдаланиб, [redacted] уни ҳам бир икки маротаба зарб билан чап кўз соҳасига урганлигини, зарб тасирида у ҳам ерга ўтириб қолганлигини, шу орада ўзини ҳимоя қилишга ҳам улгурмасдан қолганлигини, зарба натижасида хотираси сусая бошлаганлигини [redacted] ҳар томонга қочиб [redacted] қувлаб кетишганлигини, Аброр хушсиз ҳолатга тушиб қолганлиги сабабли, [redacted] уни машинага миндиришга ёрдамлашганини, шу вақтда [redacted] келиб, нима бўлганлигини сўраганлигини, уларга бўлган воқеани айтиб берганини, [redacted] марказий шифохонасига боришганлигини, аслида жанжал вақтида “[redacted] телефон аппарати автомашина ичига тушиб қолганлигини, ҳеч ким қасддан тортиб олмаганини, судланувчи [redacted] даъвоси йуқлигини билдириб қонуний енгиллик бериш ҳақида берган кўрсатуви;

жабрланувчи [redacted] судланувчи [redacted], [redacted] уларга нисбатан адовати йўқлигини [redacted] шаҳрига “сауна”га яъни синфдош ўртоқлари Бобомуродов Қодирали, Суюндиқов [redacted] билан боришганларини, [redacted] куни соат тахминан 00:00ларда [redacted] бўлган оқ рангли “[redacted]” русумли [redacted] бошқарганлигини, машина салонида у, [redacted] бўлганлигини, соат тахминан [redacted] тумани ҳудудидан ўтган М-39 автомобиль [redacted] қувиб ўтиб, ўзининг йўлида

қоидани бузмасдан ҳаракатланиб келганлигини, шу орада [redacted] чекиб келишаётганлигини кўрганлигини, [redacted] тўхташига ишора қилганлигини, [redacted]ина олд ўриндиғида ўтирган [redacted] қўлидаги чекилмай қолган сигарет қолдиғини улар утирган машина салони ичига отиб юборганлигини[redacted] музика бўлганлиги сабабли аниқ эшитмаганлигини, шундан сўнг [redacted] билан [redacted] бир маротаба қаттиқ зарб билан тарсаки урганлигини, шундан кейин у ва машина салонида бўлган танишлари ҳам машинадан тушиб, [redacted] олдига боришганлигини, [redacted] олдига бориб, уларни жанжал қилмасликлари учун ажратмоқчи бўлиб, [redacted] ушлаган вақтида, [redacted] тирсаги билан унинг бурун соҳасига урганлиги, шундан сўнг уни қўйиб юборганлигини, шу [redacted] уни зарб билан уриб ташлагани, у хушини йуқотиб ерга йиқилганини, шу орада ўзини ҳимоя қилишга ҳам улгурмасдан қолганлигини, зарб натижасида хотираси сусая бошлаганини, уни [redacted] қаердан турғазиб [redacted]втомашинасига миндиришганини, [redacted] уни урмаганини, машинадан тушган [redacted] ҳар томонга қочиб кетишганини, [redacted] ёмонлашиб қолганини, шериклари қочиб кетишган вақтида уларнинг [redacted], машина ичидан икки нафар унга нотаниш бўлган йигитлар тушиб, қараб туришганини кўрганлигини, Кобалт автомашина эгаси урмаганлигини[redacted] ходимлари хизмат автомашинасида келиб қолганини[redacted] русумли автомашина ичида бўлган йигитлар [redacted] русумли автомашина воқеа жойида қолганлигини, шундан кейин уларни туман ИИБга олиб [redacted] туман марказий шифохонасига олиб боришганини, судланувчи [redacted] нисбатан ҳеч қандай даъвоси йуқлигини билдириб қонуний енгиллик бериш ҳақида берган кўрсатуви;

жабрланувчи [redacted] судланувчи [redacted] воқеа бўйича танишлигини, уларга нисбатан адовати йўқлигини [redacted] шаҳрига саунага синфдош [redacted] қов [redacted] яшаш уйига Қ.Бобомуродовга тегишли бўлган оқ рангли Нексия русумли машинасини бошқариб қайтишганини, [redacted] ва

ўзи бўлганлигини, соат тахминан [redacted] Ангор тумани ҳудудидан ўтган [redacted] кетаётганида [redacted] машина хайдовчиси автомашина салонида бўлганлар, сигарета чекиб келишаётганлигини кўрганлигини, [redacted] машинасининг узоқни ёритувчи чироқларини ёқиб ўчириб, уларнинг тўхташига ишора қилганлигини, у машинани йўлнинг чеккасига тўхтатган вақтида, Дамас русумли машина олд ўриндиғида [redacted] тўшмасидан олдин, қўлидаги чекилмай қолган сигаретани улар утирган машина салони ичига отиб юборганини, сўнг [redacted] машинасидан тушиб, унга гапирганлигини [redacted] машинасидан тушган [redacted] қўли билан унининг юз сохасига бир маротаба қаттиқ зарб билан шапалоқ урганлигини, шундан кейин у ва машина салонида бўлган ўртоқлари ҳам машинадан тушганини, машинадан тушган вақтида уни [redacted] урганини, натижада [redacted] йуқотиб ерга йиқилганини, шундан [redacted] бориб, уларни жанжал қилмасликлари учун ажратмоқчи бўлиб [redacted] орқа томонидан ушлаган вақтида [redacted] ерга йиқитганини, [redacted] унинг орқасидан кимдир келиб, уни урганлигини, зарб кучидан у ерга йиқилганлигини, ерга қўли билан йиқилганлиги сабабли қўлида оғриқ пайдо бўлганлигини, шундан сўнг у бир амаллаб ўрнидан [redacted] билан улардан қочиб кетишганини, уларнинг [redacted] қувлашганини, бироқ уларга ета олишмаганини, шу орада [redacted] юрган хизмат автомашинаси билан келиб қолган вақтида [redacted] автомашина ичида бўлган [redacted] миниб қочиб кетишганини, [redacted] марказий шифохонасига боришганини, қўлида оғриқ сезганлиги сабабли қўлини ренгент аппаратига тушириб, қўлини гипс қилганини, судланувчи [redacted] нисбатан ҳеч қандай даъвоси йуқлигини билдириб қонуний енгиллик бериш ҳақида берган кўрсатуви;

гувоҳ [redacted] саунага синфдош [redacted] ва [redacted] билан боришганини, соат тахминан [redacted] шаҳридан яшаш [redacted] тегишли бўлган оқ рангли [redacted] русумли [redacted] келганини, машинада [redacted] бўлганлигини, соат тахминан 00:30ларда Ангор тумани ҳудудидан ўтган [redacted] йўлининг

“[redacted]” маҳалласи ҳудудига келган вақтида [redacted] русумли машинани қувиб ўтиб, ўзининг йўлида қоидани бузмасдан ҳаракатланиб келганлигини, шу орада [redacted] русумли машина хайдовчиси автомашина салонида бўлганлар, сигарета чекиб келишаётганлигини [redacted] узоқни ёритувчи чироқларини ёқиб ўчириб, уларнинг тўхташига ишора қилганлигини [redacted] йўлнинг чеккасига тўхтатган вақтида [redacted] машина олд ўриндиғида ўтирган [redacted], машинадан тўшмасидан, қўлидаги чекилмай қолган сигарет қолдиғини улар утирган машина салони ичига отиб юборганини, [redacted] тушиб, Фаррухга гапирганлигини у айнан нима деб гапирганлигини музика бўлганлиги сабабли аниқ [redacted] тушган Р.Холбўтаев қўли [redacted] юз сохасига бир маротаба қаттиқ зарб билан шапалоқ урганлигини, шундан кейин у ва машина салонида бўлган ўртоқлари ҳам машинадан тушганини, машинадан тушган вақтида [redacted] бориб уни қучоқлаб чекка томонга олиб ажратганини, шу [redacted] йиқилганини, шундан сўнг [redacted] бориб, уларни жанжал қилмасликлари учун ажратмоқчи бўлиб, [redacted] ушлаган вақтида [redacted] томонидан [redacted] ва юз сохасига зарб билан урганлигини, натижада [redacted] ерга йиқилганини, у, [redacted] қочиб кетганини [redacted] изларидан таъқиб қилиб келганини, лекин улар етаолмаганини, шу [redacted] хизмат машинасида келиб қолганини, шунда [redacted] автомашинани миниб қочиб кетишганини, [redacted] автомашина воқеа жойида қолиб кетганлигини, воқеа жойига қайтиб [redacted] билан Рамзлар тан жарохати олишганини курганини, [redacted] нима бўлганлигини сўраганини [redacted] воқеани айтиб беришганини, шундан кейин уларни [redacted] келишганини, сунг [redacted] марказий шифохонасига олиб боришганини, жанжал вақтида [redacted] қорин сохасига икки маротаба қўлининг мушти билан уриб юборганлигини, бироқ у тан жарохати олмаганлигини, [redacted] орқа томонидан келиб чап томони юзи ва қулоқ сохасига урганини кўргани ҳақида берган кўрсатуви;

[redacted] куни соат тахминан [redacted] билан ўзига [redacted] давлат рақами [redacted] ресторанига боришганини, у ерда танишлари [redacted] учратиб қолганини, [redacted] машинасида пива ичиб ўтиришганини, бироздан [redacted] унинг ёнидаги шериклари Термиз йўналиши томон [redacted] билан кетишганини,

10 дақиқадан сўнг чорраҳа [redacted] машинасига ёқилғи қўйиб, сўнгра [redacted] томон йўлга чиққанини, туман марказига томон кела [redacted] ҳудудига ўрнатилган фоторадар ёнида [redacted] ннинг давлат [redacted] машинаси оқ рангли [redacted] машинани қисиб тўхтатган холатда турганлигини кўриб, нима гаплигини билиш учун машинани тўхтатиб, машинадан тушиб қараганида [redacted] машинасида [redacted] болани [redacted] юрганлигини кўрганини [redacted] кўрганини, шу [redacted]" автомашинасидаги болаларни қувлаб, ортга қайтиб келганини, шу вақтда ИИБ ходимлари келиб қолишганини, [redacted] унинг машинасига миниб олишганини, [redacted] олиб, ортга қайтишганини, жанжал бўлган жойнинг қарама-қарши йўналиш томонига келганда [redacted] машинанинг калити қолиб кетибди, сен жанжалга аралашмагансанку, борда калитимни олиб кел" деб айтганини, шунга асосан у бардёрдан сакраб ўтиб, жанжал бўлган жойга борганлигини, [redacted] уни ушлаб олишганини, уларга [redacted] нариги томонида, унинг машинасида ўтирганлигини [redacted] уни машинанинг олдига олиб боришини айтганини, машинасининг олдига борганида у машинасининг олд йўловчи ўриндиғига ўтирганини, [redacted] машинадан тушишни сўраганида [redacted] ҳаракатлантириб юборганини, [redacted] юзланиб, машина тўхтатишини сўраганида [redacted] машинани тўхтатмаганини, шунда [redacted]риб кетаётган машинанинг қўл тормозини тортиб юбориб, машинани йўлнинг четида тўхтатганини, машина тўхтагандан сўнг Руслан ва [redacted] тушиб, қочиб кетишганини, у билан [redacted] туман [redacted] биносига олиб келганлиги ҳақида берган кўрсатуви;

гувоҳ [redacted] [redacted] ларда дўсти [redacted] Кобалт русумли машинасида туман марказидаги [redacted] ресторанига боришганини, дўсти билан овқатланишганидан сўнг [redacted] шиша пива сотиб олиб кетаётган вақти ресторан ёнида таниши [redacted] [redacted] русумли машинасида келганини, улар ҳам пива ичиб ўтиришган эканлигини, ўзи олган [redacted] уларга берганини, улар у билан

бироз суҳбатлашиб, сўнг кетишганини, у ҳам сал туриб [redacted] ортга қайтганини, “[redacted] номли чорраҳага келиб, [redacted]ан автомашинага газ қуйишиб, ортга қайтганини, чорраҳадан қайрилиб олиш ўрнига [redacted] яна туман маркази томон бошқарганини, у билан “[redacted] ресторанига келиб, пива ичмоқчи бўлганини, туман маркази томон кела [redacted]” маҳалласи худудига ўрнатилган фоторадар [redacted] давлат рақами 990 бўлган [redacted] машинаси оқ [redacted] машинани қисиб тўхтатган холатда турганлигини кўриб, нима гаплигини билиш учун тўхташганини, шу вақтда [redacted] машинасида бўлган [redacted] деб таъқиб қилиб юрганини кўрганини, Нексия автомашинасининг ёнида бир йигит қулоғи қон бўлиб турганлигини кўрганини, шу пайт [redacted] русумли автомашинасидаги болаларни таъқиб қилиб, ортга қайтиб келганини, шу вақтда ИИБ ходимлари келиб қолганини, [redacted] автомашинасини ташлаб қочиб кетганини, шу [redacted] машинаси рулига ўтириб, машинани бошқариб ҳодиса жойидан қочиб кетганини, у машинада орқа ўриндиқда бўлганини [redacted] айлантириб ҳайдаб келиб, йўлнинг қарама қарши томонига тўхтатганини, машинага [redacted] миниб олишганини, қайрилиб олиш мумкин бўлмаган жойдан ортга қайрилиб олиб, ортга қайтишганини, жанжал бўлган жойнинг қарама-қарши йўналиш томонига келганда [redacted] юзланиб, [redacted] жанжалга аралашмагансанку, борда калитимни олиб кел”, деб айтганини, [redacted] сакраб [redacted] олдига борган вақтда [redacted] ушлаб олишганини, бироздан сўнг [redacted] уларнинг олдига келишганини, шу вақтда Руслан автомашинани ҳаракатланиб хайдаб юборганини [redacted] билан машинага миниб [redacted] ҳаракатланиб келганини [redacted] юриб кетаётган машинанинг қўл тормозини тортиб машинани йўлнинг четида тўхтатганини, [redacted] тушиб, қочиб кетишганини, у [redacted] қолишганини, шундан сўнг Ориф уларни ИИБ биносига олиб келгани ҳақидаги кўрсатуви;

Бундан ташқари, [redacted] катта инспекторининг 12.06.2022 йилдаги билдиргиси *(ишнинг 4-варағи)*;

Ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечириш баённомаси, воқеа жойи акс эттирилган фотожадваллар*(ишнинг 7-13-варақлари)*;

[redacted] айбига иқрор ва пушаймонлиги ҳақидаги аризаси (1 жилд, 113-114, 127-варақ);

Сурхонадарё вилоят Суд тиббий экспертизасининг 23.06.2022 йилдаги 331-сонли экспертизаси хулосасига кўра [redacted] ўнг тирсак бўғими орқа юзаси, ўнг елка юқори учлиги, чап тизза бўғими олд юзаси, ўнг тизза бўғими ташқи юзаси, ўнг тизза бўғими олд юзаси юзаки шилинмалари, кукрак қафаси орқа юзаси қонталашлари каби тан жарохатлари 6 кундан ошмайдиган, тез утиб кетувчи оқибатли “Енгил” тан жарохати етказилгани билан;

Сурхонадарё вилоят Суд тиббий экспертизасининг 23.06.2022 йилдаги 324-сонли экспертизаси хулосасига [redacted] устки қисми, бўйин ўнг томони пастки учлиги қонталашлар каби тан жарохатлари 6 кундан ошмайдиган, тез утиб кетувчи оқибатли “Енгил” тан жарохати етказилгани билан;

Сурхонадарё вилоят Суд тиббий экспертизасининг 28.06.2022 йилдаги 326-сонли экспертизаси хулосасига [redacted] пешона чап томони сочсиз қисми, чап кўз пастки [redacted] юқори учлиги орқа юзаси қонталашлари, ўнг қўлоқ супраси олд ички юзаси эзилиб йиртилган яраси каби тан жарохатлари 6 кундан ошмайдиган, тез утиб кетувчи оқибатли [redacted] етказилгани билан;

Сурхонадарё вилоят Суд тиббий экспертизасининг 18.08.2022 йилдаги 330-сонли экспертизаси хулосасига [redacted] ўнг юз соҳаси шиш, юқори лаб ўнг томони, чап курак юқориги учлиги, ўнг курак пастки учлиги қонталашлари, ўнг тирсак бўғими юмшоқ тўқималар лат ейиши каби тан жарохатлари 6 кундан ошмайдиган, тез ўтиб кетувчи оқибатли “Енгил” тан жарохати етказилгани билан;

шунингдек, [redacted], гувоҳ [redacted] суроқ баённомаси ва суддаги кўрсатувлари ҳамда суд мажлисида текшириб чиқилган ва ошкора ўқиб эшиттирилган жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан исботланган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан [redacted], [redacted] Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди ва 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан тўғри квалификация қилинган деган хулосага келди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 33-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, агар шахс содир этган [redacted] айни бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади деб кўрсатилган.

Гарчи [redacted] моддасининг 2-қисми ва 3-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган бўлса-да, суд ЖК 33-моддаси 2-қисми талабига риоя этган ҳолда [redacted],

[redacted] ЖКнинг 277-моддасининг 3-қисми билан жиноий жавобгарликка тортишни лозим топди.

Суд [redacted] ўрмаганлигини, уни [redacted] ўрганлиги, у [redacted] туришига ва автомашинага миндиришга ёрдамлашгани, [redacted] ўрмаганлиги" ҳақидаги кўрсатувларини танқидий баҳолаб, унинг бу кўрсатувлари [redacted] инкор этилади ва унинг бу кўрсатувларини жиноий жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида келтирган важи деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги Қарорининг 3-бандида "Жиноят кодексининг 8,54-моддалари [redacted] жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак"лиги қайд этилган.

Суд, [redacted] нисбатан жазо тайинлашда айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароити оғирлигини, етказилган зарарни қоплаганлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, жиноятни маст ҳолатда содир этганлиги ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, у томонидан содир этилган жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчининг даъвоси йуқлигини, етказилган зарарни қоплаганлигини инобатга олиб Жиноят кодексининг одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига ҳамда Олий суд Пленумининг дастурий кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми санкция доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, унга куннинг кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 га қадар яшаш жойидан чиқиб кетиш тақиқлашни, ИИБнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик, жамоат жойида алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик қўшимча чекловларни белгилашни, жазо муддатини пробация гуруҳига рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблашни, ҳукмнинг ижросини таъминлаш [redacted] гуруҳига юклашни, унга нисбатан қўлланган "қамоққа олиш" эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дарҳол суд мажлиси залида қамоқдан озод этишни лозим топди.

Судланувчи [redacted] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан дастлабки қамоқда яъни 2022 йил 13 июлдан 2022 йил 23 сентябрга қадар бўлган 2 ой 10 куни, ҳар бир қамоқда бўлган куни озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, 2 ой 10 кун

озодликни чеклаш жазосини тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун озодликни чеклаш жазоси қолдиришни лозим топди.

Суд, [redacted] нисбатан жазо тайинлашда айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароити оғирлигини, етказилган зарарни қоплаганлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, жиноятни маст ҳолатда содир этганлиги ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, у томонидан содир этилган жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчининг даъвоси йуқлигини, етказилган зарарни қоплаганлигини инобатга олиб Жиноят кодексининг одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига ҳамда Олий суд Пленумининг дастурий кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми санкция доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, унга куннинг кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 га қадар яшаш жойидан чиқиб кетиш тақиқлашни, ИИБнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик, жамоат жойида алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик қўшимча чекловларни белгилашни, жазо муддатини пробация гуруҳига рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблашни, ҳукмнинг ижросини таъминлаш [redacted] юклашни, унга нисбатан қўлланган "қамоққа олиш" эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дарҳол суд мажлиси залида қамоқдан озод этишни лозим топди.

Судланувчи [redacted] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан даслабки қамоқда яъни 2022 йил 13 июлдан 2022 йил 23 сентябрга қадар бўлган 2 ой 10 куни, ҳар бир қамоқда бўлган куни озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, 2 ой 10 кун озодликни чеклаш жазосини тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун озодликни чеклаш жазоси қолдиришни лозим топди.

Суд, судланувчи [redacted] жазо тайинлашда айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароити оғирлигини, етказилган зарарни қоплаганлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, жиноятни маст ҳолатда содир этганлиги ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, у томонидан содир этилган жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчининг даъвоси йуқлигини, етказилган зарарни қоплаганлигини инобатга олиб Жиноят кодексининг одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига ҳамда Олий суд Пленумининг дастурий кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми санкция доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, унга куннинг кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 га қадар яшаш жойидан чиқиб кетиш тақиқлашни, ИИБнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик, жамоат жойида алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик

қўшимча чекловларни белгилашни, жазо муддатини пробация гуруҳига рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблашни, ҳукмнинг ижросини таъминлаш [redacted]" эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дарҳол суд мажлиси залида қамоқдан озод этишни лозим топди.

Судланувчи [redacted] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан даслабки қамоқда яъни 2022 йил 13 июлдан 2022 йил 23 сентябрга қадар бўлган 2 ой 10 куни, ҳар бир қамоқда бўлган куни озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, 2 ой 10 кун озодликни чеклаш жазосини тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун озодликни чеклаш жазоси қолдиришни лозим топди.

Жабрланувчилар [redacted] ва [redacted] қайд этишни лозим топди.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд ҳукм қилди-,

**Ҳ У К М:**

Судланувчи [redacted] 277-моддаси 3-қисмининг "г" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи [redacted] ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг "г" банди билан 3 (уч) йил 6 (олти) ойга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи [redacted] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан даслабки қамоқда яъни 2022 йил 13 июлдан 2022 йил 23 сентябрга қадар бўлган 2 ой 10 куни, ҳар бир қамоқда бўлган куни озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, 2 ой 10 кун озодликни чеклаш жазосини тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун 3 (уч) йил 3 (уч) ой 20 кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

[redacted] ўғлига куннинг кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 га қадар яшаш жойидан чиқиб кетиш тақиқлансин.

Унга қуйидаги қўшимча тақиқ ва чеклашлар юклансин:

-ИИБнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;

-жамоат жойида алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Жазо муддати пробация гуруҳига рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижросини таъминлаш Ангор туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳига юклансин.

[redacted] қўлланган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд мажлиси залида қамоқдан озод этилсин.

Судланувчи [redacted]) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси 3-қисмининг “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи [redacted] Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан 3 (уч) йилга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

[redacted] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан даслабки қамоқда яъни 2022 йил 13 июлдан 2022 йил 23 сентябрга қадар бўлган 2 ой 10 куни, ҳар бир қамоқда бўлган куни озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, 2 ой 10 кун озодликни чеклаш жазосини тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун 2 (икки) йил 9 (тўққиз) ой 20 (йигирма) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Судланувчи [redacted] куннинг кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 га қадар яшаш жойидан чиқиб кетиш тақиқлансин.

Унга қуйидаги қўшимча тақиқ ва чеклашлар юклансин:

-ИИБнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;

-жамоат жойида алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Жазо муддати пробация гуруҳига рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижросини таъминлаш [redacted] ЖХХ Пробация гуруҳига юклансин.

Судланувчи Қ.Б.Мамадаминовга қўлланган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд мажлиси залида қамоқдан озод этилсин.

Судланувчи [redacted] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси 3-қисмининг “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

[redacted] билан 3 (уч) йилга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи [redacted] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан даслабки қамоқда яъни 2022 йил 13 июлдан 2022 йил 23 сентябрга қадар бўлган 2 ой 10 куни, ҳар бир қамоқда бўлган куни озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, 2 ой 10 кун озодликни чеклаш жазосини тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун

2 (икки) йил 9 (тўққиз) ой 20 (йигирма) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Судланувчи [redacted] куннинг кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 га қадар яшаш жойидан чиқиб кетиш тақиқлансин.

Унга қуйидаги қўшимча тақиқ ва чеклашлар юклансин:

-ИИБнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳududдан ташқарига чиқмаслик;

-жамоат жойида алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Жазо муддати пробация гуруҳига рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижросини таъминлаш [redacted] гуруҳига юклансин.

Судланувчи [redacted] қўлланган "қамоққа олиш" эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд мажлиси залида қамоқдан озод этилсин.

Жабрланувчилар [redacted] ва [redacted] етказилган моддий ва маънавий зарар қопланганлиги қайд этилсин.

Ушбу ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва жабрланувчи ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу суд орқали Сурхондарё вилоят судига йигирма сутка ичида апелляция тартибида шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: /имзо/ С.Бўтаев

Ҳукм нусхаси аслига тўғри: С.Бўтаев